Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

№68 (921)
2025 йил 19 август, сешанба

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.




*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги **“Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”**ги фармони ва **“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида”**ги фармойишига мувофиқ, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришаётган бир гуруҳ тадбиркорлар давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари ҳамда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан билан мукофотландилар.*



# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Тошкент шаҳрида қуриб битказилган Олимпия шаҳарчаси, Юқори Чирчиқ туманидаги Миллий футбол маркази фаолияти ҳамда янги туризм инфратузилмаси объектлари билан танишди.**

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳаларда кенг кўламли изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасини ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, тадбиркорлик субъектлари сони каррасига ортаётгани, саноатдаги юқорилаш, камбағаллик даражасининг пасайиши каби муҳим йўналишларда кўрмоқдамиз.

Мустақиллик халқимизга ана шундай эркинлик ва рўшнолик олиб келганини бугун кўп ёдга олмоқдамиз. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами шукуҳи кезиб юрибди. Байрам олдидан турли ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотлар қуриб битказилмоқда. Бу халқимизга хос қадрият – тўйига тўёна.

Пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида ҳам ана шундай байрамона руҳ ҳукмрон. Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага ташриф буюрди.

Унинг қурилишига 2022 йил 9 ноябрда тамал тоши қўйилган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланиши, меъморий жиҳатдан мукаммал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлишини таъкидлаганди.

Шундай ҳам бўлди – қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда муҳташам мажмуа қад ростлади. Қарийб 290 миллион долларлик ушбу ноёб лойиҳа “CAMC Engineering” компанияси томонидан халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилди.

Шаҳарчада 5 та асосий спорт мажмуаси жойлашган.

Хусусан, Велодром мураккаб муҳандислик ечимлари асосида, ўзига хос дизайнда қурилган. Унинг ёғоч қопламаси сифати, траекторияси ва бурилиш бурчаклари Халқаро Олимпия қўмитаси талабларига жавоб беради. Жумладан, йўлак энг мустаҳкам дарахтлардан ясалган, қаватма-қават ётқизилган. Бу сифат мунтазам сақланиши учун велодромда йил давомида бир хил ҳарорат таъминланади. Ҳатто велоспортчиларга ҳаво қаршилигигача инобатга олинган.

Трекка ёруғлик бир хил ва тенг даражада тушади. Бу спортчиларга қулайлик бўлиши билан бирга, томоша ва телевизион трансляция меъёрларига ҳам мос. Ўриндиқлар 2 минг 200 кишига мўлжалланган. Халқаро Олимпия қўмитасининг янги талаби бўйича томоша жойларига ҳимоя тўсиғи ўрнатилган.

Шунингдек, мажмуа кўп функцияли бўлиб, бу ерда стол тенниси, қиличбозлик бўйича мусобақа ва машғулотлар ўтказиш ҳам мумкин. Бундай даражадаги велодром Ўзбекистонда биринчиси.

Мутасаддиларга ҳудудларда шароит яратиб, велоспортни ривожлантириш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз стол тенниси оммабоп, арзон ва қулай спорт эканини таъкидлаб, ҳар бир мактаб ва маҳаллада уни оммалаштириш, анжомларини ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шаҳарча марказида 12 минг ўринли стадион жойлашган. Халқаро турнирлар пайтида бу ерда тантанали маросимлар ташкил этилади. Асосийси, яшил майдон ва 9 қаторли югуриш йўлагида енгил атлетиканинг 48 та йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилади. Жумладан, жаҳон чемпионати, Бриллиант лигаси, параатлетика баҳслари, кўзи ожизлар ўртасида IBSA ўйинларини ташкил этиш мумкин. Бошқа пайтларда стадиондан маҳаллий ўқув-йиғинлар, амалий машғулотлар орқали дуал таълимда фойдаланилади.

Стадиондаги тўрт қаватли бинода терма жамоалар мутахассислари ва спорт федерациялари фаолият юритади.

Енгил атлетика ва пара спорт турлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жуда самарали. Олимпия ва Осиё ўйинларида улар бўйича дастур ҳам кенг. Лекин юртимизда бу имкониятлар тўла ишга солинмаётганини кўрсатиб ўтилди.

Шу боис енгил атлетиканинг барча йўналишларини ривожлантириш бўйича топшириқ берилди. Унга кўра, вилоятлардаги стадионлар реконструкция қилиниб, енгил атлетика учун шароитлар яхшиланади, хориждан мураббийлар олиб келинади, спортчилар маҳоратини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

▶ 2-бет

## Вазирлик ва тизим ташкилотларида

**Компетенцияни ривожлантириш институтида навбатдаги амалиёт дарслари бошланди. Янги ўқув мавсумида тингловчилар Тошкент шаҳридаги сейсмик хавфсизлиги 4-тоифали қурилиш объектларида амалий машғулотда бўлишди.**

Ушбу амалий дарс машғулотлари тингловчиларга йирик замонавий қурилиш объектларини кўздан кечириш орқали қурилиш жараёнларини таҳлил қилиш ва ўз билимларини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Амалиёт давомида тингловчиларнинг ўз саволларига бевосита мутахассислардан жавоб олишгани назарий билимларни ҳаётий тажриба билан боғлашга ёрдам беради.

---

**Урганч шаҳрида Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси масъуллари ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Компетенцияни ривожлантириш институти Нукус ҳудудий филиали директори ҳам қатнашди.**



Учрашувда институт томонидан янги очилган энергия самарадорлик йўналиши ҳамда бошқа йўналишлар юзасидан батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди. Унда лойиҳа-қидирув ташкилотлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Мазкур учрашув қурилиш соҳасида замонавий ёндашувларни кенг жорий этиш, мутахассислар малакасини ошириш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

---

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 июль куни Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Фориш туманида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, тумандаги кўп қаватли уйларни 2025–2026 йилги куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш, уларнинг атрофи ва ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Айни вақтда “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш, иситиш тизимлари ва том қопламаларини кўздан кечириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини созлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ишлар куз-қиш мавсумига тайёргарлик Дастури асосида амалга оширияпти.



## Назорат инспекцияси фаолиятидан

**Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан бинолар ва иншоотларни қуриш жараёнида шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда лойиҳа талабларига риоя этилиши устидан назорат тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.**

Навбатдаги ўрганиш тадбири Чортоқ туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида барпо этилаётган сув сақлаш иншоотида ўтказилди. Унда объектда қурилиш ишлари шаҳарсозлик қоидалари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ташкил этилгани ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан қурилиш учун масъул шахсларга бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар берилди ҳамда уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

---

**Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласида жойлашган вилоят эндокринология диспансерида ичимлик суви таъминоти хизматларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан ўрганиш ишлари амалга оширилди.**

Ўрганиш жараёнида шифохона ичимлик суви тармоғига расмий шартнома асосида улангани, назорат тамғаси бутун ҳолатда экани, сув таъминотига оид барча зарур ҳужжатлар тўлиқ мавжудлиги аниқланди.

---

**Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Навоий шаҳридаги Ғалаба маҳалласида қурилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган 7 қаватли турар жой мажмуасида назорат тадбирлари амалга оширилганда, объектда тасдиқланган лойиҳага зид ҳолатлар аниқланди.**

Хусусан, ўзбошимчалик билан қўшимча 8-қаватда темир-бетон осма балконлар учун арматура каркаси тўқилиб, бетон қуйилгани маълум бўлди. Инспекция ходимлари томонидан ҳолат бўйича қурилиш ташкилоти вакилларига электрон ёзма кўрсатма берилди. Лойиҳадан четга чиққан 8-қаватдаги ишлар жойида буздирилди.

---

**Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Фарғона шаҳар “Маданият” МФЙ ҳудудида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланишларни аниқлаш ҳамда хизматлардан фойдаланиш қоидаларига амал қилиниши бўйича рейд тадбирлари ўтказилди.**

Рейд тадбирлари натижасида “Маданият” МФЙ биносида ичимлик суви тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний фойдаланиб келинаётганлиги ҳолати аниқланди. Ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 163-моддаси 1-қисми билан 6,18 миллион сўм маъмурий жарима расмийлаштирилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№68 (921) 2025 йил 19 август

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКСАК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИ

◀1-бет





Улкан сув спорти саройи ҳам замонавий ва қулай. Унда 25x50 метрли сузиш ва 25x20 метрли сувга сакраш ҳавзалари, машғулотлар учун бассейн ва тренажёр заллари бор. Барча шароитлар ва ўлчамлар халқаро олимпия стандарти талабларига жавоб беради.

Яқинда “World Aquatics” федерацияси делегацияси мажмуани кўрикдан ўтказди ва буни тасдиқлади. Яъни, бу ерда сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полоси бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия дастуридаги нуфузли мусобақаларни ташкил этиш имконияти бор. Уларни 2 мингдан зиёд мухлислар томоша қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари сув спорт турларини ривожлантириш, халқаро турнирларда натижаларни яхшилаш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Жамоавий ва яккакураш спорт турлари мажмуалари ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган. Уларнинг ҳар бири уч қаватли, 2 минг ўринли. Жумладан, биринчисида волейбол, баскетбол ва гандбол бўйича машғулот ҳамда халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин. Яккакурашлар мажмуаси дзюдо, бокс, таэквондо каби спорт турларини ривожлантиришга асос бўлади.

Президентимиз шу ерда спортчилар билан суҳбатлашди.

– Халқаро мусобақаларда байроғимизни баланд кўтариб, мамлакатимиз ривожини намоён этяпсизлар. Сизнинг ҳар бир ютуғингиз халқимиз учун катта ғурур, ёшларимизга куч, далда. Бу ҳаракатларни давом эттириб, болаларни ортингиздан эргаштириб, спортимизни янада юксалтиришингизни тилаймиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Олимпия шаҳарчасида футбол, волейбол, теннис, чим устида хоккей, енгил атлетика кабилар бўйича 15 та очиқ майдон ҳам барпо этилди.

Бундан ташқари, 400 ўринли паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти илмий-амалий маркази қурилиши якуний босқичда.

Шаҳарчадаги барча иншоотлар энергия тежамкор бўлади. Автотураргоҳлар устида қуёш панеллари ўрнатилади.

Олимпия шаҳарчаси – мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 18 ноябрда Олимпия шаҳарчаси қурилиши билан танишув чоғида айтган эди.

– Бу ерда машғулотлар билан бирга спорт таълими, илми, тиббиёти мужассам бўлиши зарур. Яъни, бу жой мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази бўлади, – деган эди давлатимиз раҳбари.

Шунга мувофиқ, шаҳарчада Спорт вазирлиги, Антидопинг агентлиги, Давлат спорт академияси, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти, Спорт турларини ривожлантириш маркази ҳам жойлаштирилган.

Бу галги ташриф чоғида Олимпия шаҳарчаси инфратузилмасидан самарали фойдаланиш режалари, спорт ташкилотларининг жойлашуви ва фаолияти бўйича ахборот берилди.

Аввало, шаҳарчада халқаро даражадаги мусобақалар ўтказилади. Иншоотлар ундан кейин ҳам бўшаб қолмайди. Мамлакатимиз терма жамоаларининг ўқув-машғулотлари ташкил этилади. Федерациялар спорт мактаблари билан боғланади.

Ҳудудда ва мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Президентимиз шу ерда соҳа мутасаддилари ва спорт федерациялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

– Аввало, спортчиларимиз ва федерацияларни мана шундай маскан билан табриклайман. Бу билан ёш авлод саломатлигига, бўлажак ютуқларга катта пойдевор қурдик. Лекин бу ишнинг энг осони. Қийини – спорт турларини оммалаштириш, профессионал спортчиларни тайёрлаш. Биз спортни ҳам саломатлик, ҳам натижадорлик нуқтаи назаридан ривожлантириб борамиз. Худо хоҳласа, бундай Олимпия шаҳарчалари вилоятларда ҳам қурилади. Асосий мақсад – ёшларимизнинг соғлом ва баркамоллиги, – деди давлат раҳбари.

Маълумки, 2024 йилда Парижда ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида юртимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида ҳар икки йўналишда 13-ўринни эгаллаган эди. Энди олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, келгусидаги мусобақаларда натижаларни ошириш мақсад қилинган.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 8 июлдаги қарори билан Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қабул қилинди.

Бу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия қўмитасининг 14 та ҳудудий бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус вакили этиб белгиланди. Ҳар бир ҳудудга Спорт вазирлиги ва Олимпия қўмитасидан масъуллар бириктирилди.



Суратлар president.uz сайтидан олинди.

Иқтидорли спортчиларни энг қуйи бўғиндан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақаси йўлга қўйилди. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида “Президент Олимпиадаси” сифатида ўтказилади. Ғолиб ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёрланади.

Республика олимпия ва паралимпия марказининг фаолияти миллий терма жамоалар захирасини яратишга қаратилади. Ўқув-машғулотлар ўтказиб бориш учун Олимпия шаҳарчаси иншоотлари марказга беғараз асосда бириктирилади.

Шунингдек, атлетлар захирасини кенгайтириш мақсадида хусусий спорт клублари фаолияти такомиллаштирилиб, расмий мусобақалардаги иштироки таъминланади. Юқори натижа кўрсатган спортчилар миллий терма жамоаларга қабул қилиниши мумкин бўлади.

Президентимиз спорт турларини оммалаштириш масаласига алоҳида урғу берди.

– Мардлик, курашчанлик халқимизнинг қонида бор. Одамларимиз спортни яхши кўради. Буни қўллаб-қувватлаб, маҳаллаларда спортни янада оммалаштириш керак. Бунинг учун жойларда шароит бор. Яна қураяпмиз. Натижа ҳам оммавийликдан келиб чиқади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга соҳани рақамлаштириш, спорт федерациялари фаолиятини кучайтириш, натижадор спорт турларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган Миллий футбол марказини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари икки йил олдин бу ерга ташриф буюриб, мавжуд стадионга туташ ҳудудда замонавий мажмуа бунёд этиш зарурлигини айтган эди. Кўп ўтмай, 2023 йил 3 ноябрда “Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган мазкур марказ бунда жуда муҳим бўғин. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 6 та терма жамоамизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш имконияти бор. Бунинг учун стадионлар, ўқув бинолари, спорт заллари, меҳмонхона барпо этилган. Пляж футболи майдони, футзал манежи, бассейн ва реабилитация бўлими қўшимча қулайликлар яратган.

Мажмуада профессионал футболчи ва мутахассисларни тайёрлаш учун тўртта тузилма ташкил этилди. Булар – Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази, Республика футбол академияси, Спорт тиббиёти ва реабилитация марказидир.

Президентимиз уларда яратилган шароитлар билан танишди.

Футбол тиббиёти ва реабилитацияси бўлимига хорижий ускуналар олиб келинган, энг илғор услублар ўзлаштирилган. Бу футболчиларга қисқа вақт ичида жисмонан тикланиш имкониятини беради.

Футбол академиясида ёш истеъдодлар сараланиб, тарбияланади. Буни халқаро даражада ташкил этиш учун марказга Аргентина, Венгрия ва Хорватия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган. Улар малакали мураббий, ҳакам, таҳлилчи, селекционер ва футбол менежерларини тайёрлашда иштирок этмоқда. Мажмуада “VAR маркази” ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда спорт фахрийлари ва ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Ўзбекистонда футбол энг оммавий спорт экани, уни ривожлантириш изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Кейинги йилларда футбол тизими тубдан яхшиланди. Болалар футболи, тўгараклардан тортиб академиялар, жамоалар, чемпионатгача эътибор кучайди. Натижалар бирин-кетин бўй кўрсатмоқда. Уларнинг энг муҳими – Ватанимиз тарихида биринчи марта миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатига чиққани бўлди.

Яна бир шонли ютуқ апрелда Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогида қўлга киритилди. 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз унда биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатига йўлланма олган эди.

Президентимиз ушбу қаҳрамон футболчиларимиз билан учрашиб, уларга меҳр-эътиборини изҳор қилди.

– Биз ҳамма соҳада дунёда муносиб ўрин эгаллашга интилаяпмиз. Спортчиларимиз буни тезроқ етказа олади. Сизлар иродали ғалабангиз билан халқимиз меҳнат қилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсага қодир эканини яна бир бор исботладингиз. Бутун дунё сизнинг тимсолингизда азму шижоатли, ғурури баланд, ҳеч қачон интилишдан қайтмайдиган янги Ўзбекистон авлодини кўрди. Энди футболни ҳозиргидан ҳам икки-уч карра кўпроқ қўллаб-қувватлаймиз. Сиздек ёшлар халқимизнинг ишончи, Президентнинг қувончисизлар, – деди Шавкат Мирзиёев.

Спортчилар бу шароитлар учун давлат раҳбарига миннатдорлик билдириб, халқимиз ишончини оқлашга ваъда беришди.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти йилдан-йилга ошиб боряпти. Барча ҳудудларда сайёҳлар кўпайиб, замонавий меҳмонхоналар ва туризм масканлари барпо этилмоқда.

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғига ёндош қурилган замонавий меҳмонхоналар мажмуаси шу ишларнинг мантиқий давомидир.

Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик билан танишуви чоғида мазкур иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Бир пайтлар қаровсиз ётган манзиллар бугун обод масканга айланган. 8 гектардан зиёд майдонда 12 та замонавий меҳмонхона, 375 ўринли “Янги Тошкент” конференция зали, 310 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ҳамда очиқ спорт майдони барпо этилган.

Меҳмонхоналарга Қорақалпоғистон ва вилоятлар номи берилган. Улар 3 юлдузли бўлиб, 5 қаватдан иборат, 62 та хона ва 124 ўринга эга. Мажмуа ягона концепция асосида фаолият юритади ва унинг бошқаруви халқаро тажрибага эга “Leo Hospitality Solutions”, “Radisson Individuals”, “Trademark Collection by Wyndham” каби нуфузли компанияларга топширилади.

Хусусий банклар шу каби мажмуалар бошқарувига шерик бўлиб кириш таклифини билдирди. Давлатимиз раҳбари хизмат соҳалари кенгайиши, жойларда замонавий масканлар кўпайиши аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшишини таъкидлади.

Меҳмонхоналар ресторан, анжуманлар зали ва дам олиш масканлари билан уйғун қурилгани хизмат қамровини оширади. Бу ерда юқори даражадаги тадбирлар ҳамда йирик халқаро анжуманлар ўтказилиши ҳам мумкин.

Мажмуада 540 та янги иш ўрни яратилиб, йилига ўртача 55 минг туристга хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Бу ер маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун яна бир локация, Тошкент воҳасида туризм ривожи учун қўшимча туртки бўлади. Мажмуа қурилиши ортидан ён-атрофдаги маҳаллаларнинг инфратузилмаси ҳам яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратди. Бундай кўп тармоқли хизматларни бошқа ҳудудларда ҳам кенг йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Абдулазиз РУСТАМОВ,**
**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод ХИДОЯТОВнинг**

# Коррупцияга қарши курашиш бўйича МУРОЖААТИ



> **Коррупцияга қарши кураш – ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг виждон ишидир ва жамият бу иллатни саратондай қабул қилиши лозим.**
>
> **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва инсон қадрини ошириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган, демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказадиган, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиладиган, ҳаёт сифатини ёмонлаштирадиган ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган даҳшатли иллатдир.

Жорий йилнинг 5-март куни ҳурматли Президентимиз раислигида бўлиб ўтган коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлиги ва истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган коррупцияга қарши курашиш Миллий Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Шавкат Миромонович нутқ сўзлаб, қурилиш соҳаси энг коррупциялашган соҳалардан бири эканлиги, “Шаффоф қурилиш” дастури амалга оширилгандан сўнг бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар сезилиб, инвестиция дастурига киритилган объектларни қуришда 4000 дан ортиқ пудратчи 13 500 та объект қурилишида иштирок этгани ва соҳани рақамлаштириш ҳисобига охирги 3-6 йил ичида 4 триллион сўм бюджет маблағлари тежалганлигини эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари жаҳон иқтисодиёти шиддат билан ўзгариб бораётган шароитда ҳеч бир соҳани рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги ҳақида гапириб, “Рақамлаштиришдан бош тортаётган раҳбар – коррупцияни йўқ қилишга интилмаган раҳбар” деб таъкидлади. Шу сабабли, Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар доирасида барча соҳаларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш муҳитини шакллантириш талаб этилади. Хусусан, ҳужжатлар алмашинувида инсон омилининг аралашувига йўл қўймаслик, бунда электрон ҳужжат айланишини таъминлаш мақсадида инновацион технологияларни жорий этган ҳолда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбарининг “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган ушбу лойиҳа билан қурилиш объектларини реконструкция қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, экспертиза, назорат ва мониторинг фаолиятлари тўлиқ рақамлаштирилди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида “Қурилиш сифат назорати” ва “Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси” каби ахборот тизимлари фаолияти йўлга қўйилди. “Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертиза хулосалари” электрон реестри, “Инвестиция дастуридаги объектлар қурилиши мониторинги” ахборот-таҳлилий тизими, “Қурилиш соҳасида давлат хизматлари” платформаси ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Мазкур платформа орқали қурилишнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича хизмат турлари тўлиқ рақамлаштирилди.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинди. “Қурилиш пудрат ташкилотлар рейтинги” ҳамда “Лойиҳа ташкилотлари рейтинги” ахборот платформаларининг ишга туширилгани фаолият самарадорлиги ва шаффофлигини таъминламоқда. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида электрон ҳужжат алмашинуви жорий этилди. Ҳозирда “Қурилишдаги назорат” тизими орқали республика бўйича 32 000 нафардан зиёд фойдаланувчи назорат фаолиятини юритмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари тадбиркорлик ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фақат “е-ижро аукцион” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали берилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – бошқарув тизимида “инсон омили”ни камайтириш учун давлат ва жамият бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир. Шу маънода вазирлик томонидан соҳани рақамлаштириш, коммунал тўловлар тизими шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Менинг уйим” биллинг тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда кўп квартирали уйлардаги аҳолининг мажбурий бадал тўловлари (квартплата)ни электрон шаклда тўлаш ва ўз навбатида юртдошларимиз томонидан бошқарув ташкилотларининг молиявий харажатларини онлайн кузатиб бориш имконияти яратилди.

Вазирлик томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида профилактик тадбирлар, хусусан, ходимлар билан тушунтириш ишлари, суҳбатлар, тарғибот ўтказиш каби кенг кўламли ишлар амага ошириб келинмоқда.

Қурилиш соҳасида ҳали ҳам муассасаларда коррупция, бюрократия, таъмагирлик, манфаатлар тўқнашуви каби айрим салбий ҳолатлар сақланиб қолаётганини, бу тизимдаги ислоҳотлар самарадорлигига путур етказиши, халқнинг қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган фидойиларига бўлган ишончини заифлаштиришига олиб келади. Вазирлик марказий аппарати, унинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлари ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари ҳамда ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга юзага келганда вазирликнинг ишонч телефони, махсус алоқа каналлари, телеграм боти ҳамда расмий веб-сайти орқали мурожаатларни йўллаш имкониятлари яратилган.

Мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар кўрилади. Муҳтарам Президентимиз “Коррупцияга қарши бутун жамоатчилик билан курашишимиз зарур” деб таъкидлганларидек, вазирлик ҳам бевосита коррупцияга тоқатсиз муносабатини шакллантиришда ва унга қарши курашишда барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга шайдир.

Ўз навбатида, фуқаролар вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, тизим ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлганида ёки қонунчиликка зид бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотга эга бўлишганида вазирликнинг “1298” қисқа рақами ёки 71-210-11-04 (ички 1066) ҳамда @Qurilish_Komplaens_bot расмий телеграм боти ёхуд komplaens@mc.uz электрон почта манзили орқали ўз мурожаатларини йўллашлари мумкин.

Шунингдек, вазирлик тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар ва ходимни коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга ҳамда ўз хизмат вазифаларини ҳалол ҳамда холис бажаришга яна бир бор чақираман.

## “ТОЗА ПОЙТАХТ” дастурий таъминоти синов тариқасида ишга тушди

**Тошкент шаҳрининг “Олмазор” туманида маиший чиқиндиларни олиб чиқиш жараёнини тўлиқ рақамлаштирувчи “Тоза пойтахт” дастурий таъминоти синов тариқасида ишга туширилди. Тизим орқали чиқинди тўплаш техникаси маҳаллалар кесимида ва белгиланган график асосида жалб этилади. 1 сентябрга қадар лойиҳа барча туманларга босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилган.**

Жараёнда Экология қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойиштalik ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Миллий гвардия ва маҳалла еттилиги ўз ҳудудларига масъул бўлади. Лойиҳанинг асосий мақсади – чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш жараёнини назорат қилиш орқали шаҳар тозалигини таъминлаш, техникалар ишини мониторинг қилиш ва хизмат сифатини оширишдан иборат.

Янги тизим орқали маҳалланинг ички кўчаларида техникалар ҳаракатини кузатиш, чиқинди ҳажмини ҳисоблаш, юридик ташкилотларга кўрсатилаётган хизмат сифатини баҳолаш, марказий ва ички кўчалардаги санитария ҳолатини мониторинг қилиш мумкин бўлади. Барча маълумотлар автоматик тарзда йиғилади, инсон ресурсларига эҳтиёж қолмайди. Бажарилмаган ишлар ва чиқинди олиб чиқиб кетилмаган манзиллар ҳам автоматик қайд этилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Тошкент туманида янги “Agri-PV” лойиҳаси

**Тошкент вилоятида Ўзбекистондаги илк агро-фотоволтаик (Agri-PV) станциясини қуриш ишлари бошланиши кутилмоқда. “Agrisolarplov” номли мазкур станция Voltalia компаниясининг молиявий қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилмоқда.**



Лойиҳа Тошкент тумани Кўксарай қишлоғида, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида жойлашган 1,5 гектар майдонда барпо этилади. У ерда 819 дона замонавий қуёш панеллари 1 гектар ер майдонига ўрнатилиши режалаштирилган. Станциянинг электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати соатига 507,78 кВтни ташкил этади, йиллик умумий ишлаб чиқариш ҳажми эса тахминан 876 МВт/соатга етказилиши кутилмоқда. Қурилиш жараёнига 25 нафар ишчи жалб этилиб, 2025 йил августидан 2026 йил февралгача якунланиши режалаштирилган.

Agri-PV технологияси қишлоқ хўжалигида икки йўналишда самара беришга қодир. Бир вақтнинг ўзида ер майдонидан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ҳам қуёш панеллари орқали электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бу тизимнинг аҳамиятли томони шундаки, панеллар остидаги ерда микроиқлим шаклланади, бу эса сувнинг буғланишини камайтиради, тупроқда ҳаво алмашинувини яхшилайди ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш имконини беради. Шу билан бирга, ўсимликлар ёзги иссиқлик, қишки совуқ, турли ёғингарчиликлардан ҳимояланади. Панеллар соя бериши натижасида баргларнинг қуёшда куйиши олди олинади, ҳосилдорлик ўсади, ўсимликлар иммунитети мустаҳкамланади.

Шу билан бирга, лойиҳанинг экологик аҳамияти ҳам катта. Унинг ишга туширилиши билан иссиқхона газлари чиқиндиларини қисқартириш, сувни тежаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва биологик хилма-хилликни асраш мумкин бўлади. Шу билан бирга, агроэкотизимларни иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишда ҳам катта самара кўрсатади. Ижтимоий жиҳатдан эса станция қурилиши маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратади, қишлоқ ҳудудида замонавий яшил энергия инфратузилмаси барпо этилади, аҳоли турмуш даражаси ошади. Ортиқча электр энергияни умумий тармоққа сотиш имкони қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун қўшимча даромад манбаига айланиши мумкин.

Қурилиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вақтинчалик шовқин, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, чиқиндиларнинг кўпайиши каби ҳолатлар юзага келиши мумкин. Шу боис, махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, қурилиш асбоб-ускуналарини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш, оғир техникадан кечки пайтларда фойдаланмаслик, қурилиш майдонида тезликни чеклаш, чиқиндиларни саралаб йиғиш ҳамда уларни махсус полигонларга олиб чиқиш белгиланган. Ҳавода чанг кўтарилишининг олдини олиш учун майдон доимий равишда сув сепиш орқали намлантирилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида ҳеч қандай дарахт кесилиши кўзда тутилмаган бўлиб, бу ҳам экологик меъёрларга тўлиқ мос келади.

“Agrisolarplov” станцияси нафақат қайта тикланадиган энергия манбаини кенг жорий қилишда, қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва аҳолининг экологик онгини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида мамлакатда энергия ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланади, барқарор қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга ҳисса қўшилади. Ушбу станция Ўзбекистондаги “яшил” иқтисодиёт ва инновацион қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий қилишда муҳим қадам бўлиб, келгусида бу каби лойиҳалар сони ортиб бориши кутилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## Қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда

**Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, катта дастурлар амалга оширилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, бу лойиҳалар Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Франция каби тараққий этган мамлакатлар билан шерикликда амалга ошириляпти.**

2030 йилга бориб, аҳолиси 40 миллиондан ортадиган Янги Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган энергиянинг 40 фоизини “яшил энергия” ҳисобидан қоплаш мақсад қилинган. Бу борада аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун “Қуёшли хонадон” дастури бошланди. 14 миллиард сўм имтиёзли ресурслар ажратилди, солиқ имтиёзлари берилди. Шунингдек, эҳтиёждан ортиқча электрни давлат томонидан кафолатли харид қилиш тизими йўлга қўйилди.

Ҳозирга қадар Хоразм вилоятида жами 11 308 та объектга 172,7 мВт қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилишига эришилган. Ўрнатилган қуёш панеллари орқали жами 29,5 миллиард кВтс электр энергияси тармоққа чиқарилган. Ана шу ишлар натижасида Президентимиз ташаббуси билан Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманида Франциянинг “Волталиа” компанияси томонидан қуввати 126 мегаваттгача етадиган қуёш фотоэлектр станцияси барпо этилмоқда.

Қарийб 180 гектар майдонни эгаллаган мазкур станцияга 180 минг дона қуёш панели ўрнатилади. “Яшил” энергетика соҳасидаги ушбу йирик лойиҳа амалга оширилиши натижасида 60 мингдан ортиқ хонадон электр энергияси билан таъминланади ва маҳаллий аҳоли учун 250 та янги иш ўринлари яратилади. Айни кунда мутахассислар томонидан станцияга қуёш панелларини ўрнатиш жараёнларига тайёргарлик кўрилмоқда. Лойиҳада 500 нафарга яқин ишчи меҳнат қиляпти. Улардан 100 нафардан ортиғи хитойлик мутахассислар ҳисобланади.

– Компаниямиз 1978 йилда ташкил топган бўлиб, энергетика , телекоммуникация, транспорт ва сув ресурслари инфратузилмаларини яратиш билан шуғулланади, – деди “China Machinery Engineering Corporation” компанияси “Саримай 100MW” лойиҳаси қурилиши бош мутахасиси Andy Xie. – Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани бизнинг компаниямизга ҳам мамлакатингизда катта лойиҳаларни амалга ошириш имконини яратди. Бу фотоэлектр станцияси 3-лойиҳамиз ҳисобланади. Уни ҳам ўз вақтида сифатли бажаришга ҳаракат қиляпмиз.



Ушбу лойиҳа ишга тушса, Хоразм вилоятида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари 30 фоизга ошиб, 424 мегаваттга етади. Хусусан, биргина Тупроққалъа туманининг электрга бўлган йиллик 135 миллион киловатт соат талаби тўлиқ қондирилади. Энг муҳими, ушбу лойиҳа орқали 76 миллион метр куб табиий газ тежалиб, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№68 (921) 2025 йил 19 август

# Халқаро ҳамкорлик самараси

**Зулфизар МАВЛОНОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Эркин иқтисодий зоналарни кенгайтириш, уларда стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқаришларни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар эътиборга молик. Бунинг яққол мисоли сифатида Ғиждувон туманида ташкил этилган янги нефть-кимё саноат мажмуасини келтириш мумкин.**



Бухоро вилояти Ғиждувон туманида жойлашган "Ғиждувон эркин иқтисодий зонаси" мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўлган яна бир йирик лойиҳанинг ёрқин намунасидир. Тўдакўл массивида ташкил этилган мазкур саноат майдонида Ўзбекистон ва Эрон давлатлари ҳамкорлигида замонавий технологияларга асосланган, катта салоҳиятга эга "Petrochem Sepehr" номли қўшма корхона фаолиятини бошлади. 2023–2026 давомида ташкил этиладиган корхона 600 нафар ишчи-мутахассисни ўз бағрига олади.

Мазкур лойиҳа икки давлат ўртасидаги мустаҳкам иқтисодий алоқалар самараси бўлиб, халқаро миқёсда муҳим инновацион саноат мажмуаларидан бирига айланиши кутиляпти. Лойиҳада қўлланилаётган технологиялар Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларидаги аналогларига ўхшаш бўлсада, улардан фарқли равишда, бу ерда ишлаб чиқариладиган енгил нафта махсус равишда эритгичлар ишлаб чиқариш йўналишига йўналтирилади. Бу эса, ўз навбатида тайёрланадиган ёқилғи таркибида бензол миқдорини 1 фоиздан ошмаслигини таъминлаб, маҳсулотни "YEVRO-5" экологик стандарти талабларига тўлиқ мос келадиган даражага етказади.

Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг умумий қиймати 274 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур сармоя ҳисобидан нефть-кимё соҳасида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олган 13 та бизнес йўналишдаги лойиҳалар амалга оширилади. Натижада, салмоқли даромад ва аҳолини иш билан таъминлашга эришилади. Ўндан ортиқ ихтисослашган мутахассислар гуруҳи жалб этилган ҳолда, илғор кимёвий жараёнлар асосида бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Пентан, гексан, бензол каби газлар, ёритгичлар учун махсус ишлатиладиган кимёвий моддалар, реформат ва изомеризат сингари ароматик углеводородлар мижозларга етказилади. Монометиланилин, диметил карбонат, аммоний бикарбонат, каустик сода, калий сулфати ва бошқа муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз, балки ташқи бозорларда ҳам юқори талабга эга бўлиб, уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилиши миллий иқтисодиёт учун катта ютуқ саналади. Корхона тўлиқ ишга туширилгандан сўнг, йилига 240 миллион АҚШ долларига тенг нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Бу кўрсаткич доирасида 82 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади, 123 миллион АҚШ долларилик маҳсулот эса импорт ўрнини босади, яъни ички бозор эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу тариқа, лойиҳа нафақат экспорт салоҳиятини оширади, балки ташқи бозорларга боғлиқликни камайтириб, миллий иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлайди. Шунинг фойдаси нуқтаи назаридан, мазкур мажмуа фаолияти туфайли йилига 214 миллиард сўм миқдорида давлат бюджетига тушумлар шаклланиши кутиляпти.

# "ХУШНУД" МФЙ

## Тошкентнинг замонавий ва ижтимоий фаол масканига айланмоқда

**Зарина НОРБЎТАЕВА,**
журналист.

**Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт тумани ҳудудидаги 109 гектар ер майдонида 2021 йили ташкил этилган "Хушнуд" МФЙ қисқа вақт ичида пойтахтнинг энг жадал ривожланаётган ҳудудларидан бирига айланди. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинида 49 та кўп қаватли уй, 625 та якка тартибдаги хонадон мавжуд бўлиб, уларда 14 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда.**





Бугун маҳалла том маънода бунёдкорлик марказига айланган. Хусусан, яқин кунларда 1500 ўринли замонавий умумтаълим мактаби қурилиши бошланади. Ушбу таълим муассасасини 2026 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Қолаверса, 5 қаватли маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳам барпо этилмоқда. Ушбу замонавий бинода чет тиллари ва аниқ фанлар бўйича ўқув маркази, кутубхона, фитнес зали фаолият юритиши режалаштирилган. Шунингдек, бунёдкорлик ишлари доирасида маҳалланинг ёши улуғ кишилари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Кексаларнинг мулоқот қилиши ва ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган "Нуронийлар маскани" ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида бунёд этилмоқда.

Ушбу бунёдкорлик ишларининг барчаси давлат хусусий шерикчилиги асосида "MAN Rav Projectings" МЧЖ жамоаси томонидан олиб борилмоқда. Мазкур корхона йирик қурилиш лойиҳаларини амалга ошириб келаётган тажрибали қурилиш ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шу кунгача "MAN Rav Projectings" МЧЖ томонидан Спутник-6 ва Қипчоқ кўчаларида кўп қаватли турар жойлар, Ал-Фарғоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини биноси каби қатор объектлар қуриб битказилган. Яқин келажакда 21 та уйдан иборат "Нур ҳаёт" ва 2 та уйдан иборат "Иморат" турар жой мажмуалари ҳам фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Янги қурилаётган бу иморатлар маҳалланинг кўркига кўрк қўшиб, ҳудудни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Келгусида 210 гектарли Янгиҳаёт индустриал парк ҳам қурилиши режалаштирилган бўлиб, у орқали минглаб янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

– 2024 йилнинг ноябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳалламизга ташрифидан сўнг ҳудуддаги мавжуд инфратузилма ва ижтимоий объектлар янада кенгайтирилди, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наргиза Шофайзиева. – Ўшанда давлатимиз раҳбари "Маҳаллани замонавий ҳаёт марказига айлантириш – бизнинг асосий вазифамиз" дея таъкидлаган эди. Бугунги кунда ҳудуд инфратузилмаси тобора мустаҳкамланиб, янги кўп қаватли уйлар, болалар майдончалари, спорт майдонлари ва яшил ҳудудлар кўплаб барпо этиляпти. Юртбошимиз таъкидлаганидек, келгусида маҳаллани пойтахтнинг энг замонавий ва кўркам масканига айлантириш йўлида биз ҳам ҳаракатдан тўхтамаймиз.

Бир сўз билан айтганда, яқин йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар туфайли "Хушнуд" МФЙ тез орада Тошкентда яшаш учун энг қулай, маданий ва ижтимоий фаол масканга айланиши, шубҳасиз.

# Энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш

## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Табиатда қайта тикланмайдиган энергия ресурслари, яъни нефть, газ, кўмир каби фойдали қазилмалар чекланмаган миқдорда эмас. Улар қачондир ниҳоясига етади. Шу боис, бугун дунёда табиий ресурсларни асраш, улардан имкон қадар оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олимлар бош қотиряпти.**

Жумладан, мамлакатимизда ҳам ҳар соҳада энергия самарадор технологияларни қўллаш пировардида истеъмолдаги энергия ресурсларни максимал даражада қисқартириш давлат сиёсатининг муҳим бўғинига айланган. Айниқса, бу қурилиш материалларида яққол намоён бўлади. Мамлакатимизда аҳоли сони ўсиб, урбанизация кенгайиб, бунёдкорлик ишлари ортиб бораётгани табиий равишда қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Замон талабига мос энергия тежамкор ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамиша пухта ёндошувга асосланади.

Ушбу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Хусусан, Президентимиз жорий йилнинг 19 май куни қурилиш саноатидаги ишлар ва асосий вазифаларга оид тақдимот билан танишганди. Унда кейинги йилларда қурилиш материалларига талаб йилдан-йилга ошгани ва тармоқ шунга мос равишда ривожланиб бораётгани таъкидланганди. Жумладан, шу кунга қадар кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши натижасида бугунги кунда 10 мингга яқин корхона фаолият юритмоқда. Илм-фан ва саноат интеграцияси билан қурилиш материаллари тури 100 тага етказилди. Бу йил биринчи чоракда ишлаб чиқариш 8 фоизга, экспорт эса 11 фоизга ўсди. Инвестиция дастури доирасида 500 миллион АҚШ долларилик 9 та йирик лойиҳа ишга тушди. Душанбе, Қобул ва Филодельфия шаҳарларида Ўзбекистон савдо уйи ташкил этилди. Бироқ, ҳали олдинда режалар кўп. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан йил якунигача 2,4 млрдлик 312 та лойиҳа ишга тушади. 16 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқаришни 53 трлн сўмга етказиш белгиланган. Тармоқдаги экспорт 1,2 млрд долларга етказиш мўлжалланган. Таққослаш учун бу рақам 2017 йилда 100 млн долларга ҳам етмасди. Хўш, бу борада энергия тежамкор қурилиш материалларининг ўрни қай даражада?

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда қурилиш саноатида маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдори тобора ортмоқда. Улардан энг таниқси базальт қопламалардир. Ангрен шаҳрида жойлашган корхонада республикамизда ягона бўлган шиша толали қопламалар ишлаб чиқарилади. Кўринишидан оддий материалга ўхшаган бу маҳсулотни қурилиш соҳаси, қувурлар ишлаб чиқариш ва кемасозлик саноатидаги аҳамияти жуда юқори. Уларнинг бирламчи хусусияти биноларнинг энергия сарфини 45 фоизга камайтира олади. Яъни, у хонадон, ижтимоий объект ва саноат бинолари бўлсин, ичкарида ҳароратни мўътадил ишлаб туриш имкониятига эга бўлиб, экологик тоза маҳсулотдир. Энергия тежамкор қурилиш материаллари биноларнинг қурилиши ва эксплуатация қилишда энергия сарфини камайтиришга ёрдам берадиган маҳсулот ҳисобланади. Улар иссиқликни сақлайди, ҳаво алмашинувини назорат қилади ва ташқи таъсирни камайтиради. Ўзбекистон иқлим шароитида, айниқса, ёзнинг иссиқ ва қишнинг совуқ кунларида бу каби материалларнинг аҳамияти юқори. Ушбу материаллар хусусий иншоотлар ва турар жой массивлари, мактаблар, шифохоналар ва бошқа саноат объектларида ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу тенденция мамлакатимизда энергия самарадорликни ошириш ва барқарор қурилишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур корхона ўтган йили ишга туширилган бўлиб йилига 15 турдаги 80 млн квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаради. Бугунги кунда бу ерда 50 нафар ишчи ўринлари яратилган.

Нафақат Ўзбекистонда. балки Марказий Осиёда ягона бўлган корхонага 2023 йилда асос солинган бўлиб, 2024 йилда иш фаолиятини бошлаган. Шу кунгача бу каби маҳсулотлар импорт қилинар эди. Бугунги кунда эса импорт ўрнини босиб, экспорт қилиш даражасигача чиқилди. Шиша тола халқ хўжалигида юқори талабга эга. Бу материалларни ишлатганда композит материалларни ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда қурилишда энергия тежамкор, арзонроқ ва чидамлироқ технологиялар қўлланмоқда. Аслида, бу янги сифат ва янги стандарт деса бўлади. Чунки бундай маҳсулотлар мамлакатимиз бозорида янги пайдо бўлган маҳсулот ҳисобланади. Шиша толали қопламанинг яна бир афзаллиги унинг ёнмаслиги ва моғорлашга чидамлилигидир. Шу жиҳатдан ҳам у Ўзбекистон бозорини тез фурсатда эгаллади.

Корхонада 15 турдаги маҳсулотнинг ҳар бири лаборатория текширувидан ўтказилади. Қопламаларнинг дунё стандартларига жавоб бериши ва чидамлилиги доимий назорат остида. Ҳар бир корхонани лабораториясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Худди шу каби мазкур корхонада ҳам лаборатория мавжуд.

Президентмизнинг соҳага эътибори ва тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар натижасида бу каби корхоналарнинг сони тобора ортмоқда. Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида ҳам плита ишлаб чиқарилмоқда. У биноларнинг фасад қисмига ишлатилиб, юқори энергия тежамкорликка эга. Намлик ва ёнғинга чидамли, ўрнатиш эса осон. Мазкур плита нафақат янги қурилаётган, балки реконструкция қилинаётган биноларга ҳам мос келади. Хусусан, ижтимоий соҳа объектларни қуришда ҳам ишлатиш мумкин. Хўш, маҳсулот нимаси билан энергия самарадорликда шуҳрат қозонган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган энергия тежамкор технологияларни қўллаш сиёсати тадбиркорни янада илҳомлантирди. Гласман плита Ўзбекистоннинг иқлим шароитига жуда мос келади. Унинг ёнғинга бардошлилиги, шовқиндан ҳимоя қилиши, иссиқлик изоляциясига эга эканлиги бошқа плиталарга нисбатан енгилроқ ва арзонроқ хусусиятлари кўплаб қурувчиларнинг пулини иқтисод қилмоқда. Бу давлат бюджети ҳисобига амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда ҳам юқори самарадорликка ва маблағ иқтисодиига хизмат қилади.

Яна бир масала, энергия истеъмоли юқори бўлган корхоналарда инновацион ечимларни қўллашдир. Маълумотларга кўра, жорий йилда электр энергияси сарфи юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бу турдаги табиий ресурс истеъмолини бир неча бароbарга қисқартириш мақсад қилинган. 2024 йил давомида мамлакатимиздаги барча қурилиш материаллари корхонаси томонидан 2,3 млрд кв соат электр энергияси, 912 млн куб метр табиий газ, 1,7 млн тонна кўмир сарфланган. Цемент, керамик материаллар, пишган ғишт, ойна, гипсокартон ва бошқа иссиқлик сақловчи материаллар асосий энергия истеъмолчилари ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида энергия сарфи юқори бўлган 34 та корхонада энергия аудити ўтказилган. Натижада 2025-2027 йилларда 300 млн кв соатдан ортиқ электр энергиясини иқтисод қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Жорий йилда эса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида янги қувватлар ишга туширилиши натижасида 2,5 млрд кв соат электр энергияси 669 млн куб метр табиий газ ва 1,9 млн тонна кўмирга талаб мавжуд. Табиий ресурслар истеъмолини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида эса биргина энергия сарфи юқори бўлган 34 та корхона томонидан 43,5 млн кв соат электр энергияси, 6,7 млн куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Таъкидлаш жоизки, энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади балки экологик барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

# Ёшларга муносиб туҳфа

**Навоий вилояти Навбаҳор тумани марказида давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги олдидан замонавий Ёшлар маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**








Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этган тантанали тадбирда юртимизда ёшларга яратиб берилаётган имконият ва шароитлар ҳақида сўз юритилиб, мазкур марказ ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилиши, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

"Эверест Лочин" МЧЖ ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 5 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган ушбу бинода 1500 дан ортиқ илмий ва бадиий адабиётларни ўзида жамлаган кутубхона, "IT дастурлаш", "Компьютер саводхонлиги", "Киберспорт" ва бошқа бир қатор тўгараклар ҳамда "Ибрат фарзандлари" чет тили курслари фаолияти йўлга қўйилган.

Эндиликда бу ерда ёшлар нафақат билим ва кўникмаларини ошириш, балки ўзларининг стартап лойиҳаларини амалга ошириш, турли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади, деб хабар қилади ЎзА мухбири Абдували Бўриев.

Ёшлар ҳар бир миллатнинг эртасини белгиловчи муҳим кучдир. Шу сабаб сўнгги йилларда юртимизда келажагимиз эгаларига бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадларидан бири этиб белгиланган. Мазкур иншоот Президентимизнинг ёшларга қаратилган алоҳида эътибори ва "Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури доирасида амалга оширилган қатор лойиҳалардан бири бўлиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№68 (921) 2025 йил 19 август



# Ўзини оқлаётган тажриба оммалашмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Шаҳарсозлик қонун-қоидалари асосида изланишлар қилиниб, уйлар ва бошқа иншоотларни таъмирлашда янгиликлар киритилмоқда. Бу янгиликлар Жиззах вилоятида ҳам кенг қўлланилмоқда. Яъни, эскирган ва таъмирталаб кўп квартирали турар жойлар ҳамда бошқа биноларга ишлов бериш жараёнида ҳар қандай об-ҳаво шароитида мўътадилликни бир хилда сақлаб турадиган базальт маҳсулоти билан уйларнинг фасад қисмларини қоплашга киришилган эди.**

Ўтган давр оралиғида ижобий натижага эришилганини алоҳида эътироф этиш керак. Бу ҳақда Мирзачўл туманидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи меҳнат фахрийси Абдулла Қаҳҳоров шундай фикрда:

– Домимиз қурилганига 50 йилдан ошган. Аммо шу вақт оралиғида бирор марта мукаммал таъмирланмагани сабабли, иситиш тизимлари, ертўла ва бошқа қурилмалар янгиланишга муҳтож эди. Қишда совуқ, ёзда эса иссиқнинг тафтига чидаб бўлмасди. Қурувчилардан миннатдормиз, ўтган йили уйларнинг ташқи қиёфасини янгилаб, энергиятежамкор базальт маҳсулоти билан қоплаб беришди. Ҳозирги кунда уйларимизда бир хил мўътадиллик сақланиб, энергия сарфи ҳам бир неча фоизга қисқарди.

Кўп қаватли уйларда иссиқликни сақловчи ва энергиятежамкорликни таъминловчи базальт материалининг хонадонлар учун афзалликлари Мирзачўл тумани мисолида синовдан ўтгач, босқичма-босқич бошқа жойларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Масалан, Дўстлик туманидаги эскирган бино ва иншоотларнинг инфратузилмавий ҳолатини тубдан ўзгартиришда ҳам ушбу маҳсулотдан самарали фойдаланиляпти. Бу борада "Чинобод" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган кўп қаватли турар жойлардаги бунёдкорлик ишлари эътиборга лойиқдир. Жумладан, ҳудуд шароитидан келиб чиқиб тайёрланган лойиҳага биноан, уйлар фасади замонавий, экологик хавфсиз ва энергия тежовчи базальт плиталари билан қопланиб, том қисмлари махсус рубироид билан ёпилмоқда. Бир вақтнинг ўзида электр таъминоти, табиий газ, марказлашган иссиқлик тармоғи, ичимлик суви ва канализация тизимларидаги муддатини ўтаб бўлган жиҳозлар янгисига алмаштириляпти.

Олиб борилаётган бу каби ҳаракатлар уйларнинг ташқи қиёфасини янгилаш билан бир қаторда, хонадонларда иссиқликни сақлаб қолиш ва энергия сарфини камайтиришга ҳам хизмат қилади. "Менинг маҳаллам тумандаги энг намунали маҳалла" шиори остида бош-



ланган ҳаракат туфайли кўп қаватли уйларга туташ майдонлар ҳам ободонлаштирилмоқда. Ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, улар ўрнида катталар ва болаларга мўлжалланган дам олиш жойлари, йўлаклар қурилиб, аҳоли учун тоза ҳаво муҳити яратиляпти.

Бугунги кунгача режага киритилган кўп қаватли турар жойларнинг 70 фоизи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, уларнинг ташқи қисми базальт билан қопланди. Айни пайтда бунёдкорлик ҳаракатлари "Баркамол авлод" болалар мактабида қизғин давом этмоқда. Кенг кўламли таъмирлаш ишлари давомида таълим даргоҳининг ташқи қисми базальт билан қопланиб, синфхоналарда ёритиш ва иситиш тизимлари янгисига алмаштирилмоқда. Бундан ташқари, 1-сон мактабгача таълим ташкилотида ҳам муассасанинг ташқи ва ички қиёфасини тубдан янгилаш орқали замон талабига жавоб берадиган инфратузилма барпо этишга киришилди.

Муҳими, ишлатилаётган материалларнинг асосий қисми маҳаллий хомашёлардан тайёрланмоқда. Айниқса, вилоят ҳудуди қурилишбоп базальт маҳсулотига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради ва у импорт ҳажмини қисқартириб, бунёдкорлик соҳасида асқатмоқда.

**ЛОЙИҲАЧИ ВА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**АТ Халқ банки таъсисчилигида ташкил қилинган "Perfect capital investment" МЧЖ Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжа Исмоил номидаги МФЙ, Ал-Бухорий шоҳ кўчаси, 205-уйда жойлашган қурилиши тугалланмаган меҳмонхона биносини қайта реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини давом қилдириш мақсадида қурилиши тугалланмаган меҳмонхона биноси лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва қурилиш ишлари учун Бош пудрат ташкилотларини танлаб олиш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинишини маълум қиламиз.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширилишини инобатга олиб, тижорий таклифларни тақдим қилишда пудрат ташкилотлари назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланадиган умумий қийматдан чегирма беришлари лозим бўлади.

Таклифлар 2025 йил 25 августга қадар Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7-"Б" уй манзилида АТ Халқ банки бош офисида қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон:** +998 (90) 024-00-52.
**Электрон почта:** percapinvest@xb.uz

**"КОСОН ПАХТА ТОЗАЛАШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли, "Дўстлик" МФЙ манзилида жойлашган (СТИР 200 692 037, пндекс 180 800) "Косон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти ("Косон пахта тозалаш" АЖ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

**Асос:** "Косон пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида 2025 йил 7 августда ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2-сон баённомасига асосан жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарор.

Тугатилаётган "Косон пахта тозалаш" АЖ кредиторларининг талаблари тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан санадан эътиборан икки ой давомида Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли, "Дўстлик" МФЙ манзилида қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар:** +99898-775-31-71, +99899-529-45-55, +99888-639-39-77.

**"Косон пахта тозалаш" АЖ тугатиш комиссияси.**

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"**

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Савдога "LOMBARD SHOKIR INVEST" МЧЖнинг 2025 йил 12 августдаги 132-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Сергели туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2025 йил 22 июлдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 16119 | Сирға 1 жуфт, у.о. 4,98 гр., с.о. 3,58 гр., пр. 585 | 2 528 412,46 |
| 2. | 16336 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 4,78 гр., с.о. 4,38 гр., пр. 585 | 1 645 990,00 |
| 3. | 16784 | Сирға 1 жуфт, у.о. 1,17 гр., с.о. 0,77 гр., пр. 585 | 598 014,00 |
| 4. | 16969 | Сирға 1 жуфт, у.о. 5,70 гр., с.о. 5,30 гр., пр. 585 | 2 912 025,00 |
| 5. | 17053 | Узук 1 дона, у.о. 4,16 гр., с.о. 4,16 гр., пр. 585 | 2 669 806,80 |
| 6. | 17079 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,31 гр., с.о. 2,91 гр., пр. 585 | 1 868 190,00 |
| 7. | 17441 | Узук 1 дона, билагузук 1 дона, кулон 1 дона, занжир 2 дона, у.о. 27,48 гр., с.о. 27,48 гр., пр. 585 | 13 822 954,00 |
| 8. | 17688 | Билагузук 2 дона, занжир 1 дона нуқсонли, узук 2 дона кулон 2 дона, у.о. 14,55 гр., с.о. 13,85 гр., пр. 585 | 8 862 945,00 |
| 9. | 17851 | Занжир 1 дона, узук 1 дона, у.о. 7,61 гр., с.о. 7,31 гр., пр. 585 | 4 763 643,86 |
| 10. | 18416 | Занжир 1 дона нуқсонли, у.о. 6,79 гр., с.о. 6,79 гр., пр. 585 | 5 083 323,00 |
| 11. | 18447 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,46 гр., с.о. 3,26 гр., пр. 585 | 1 745 778,00 |
| 12. | 18474 | Узук 1 дона, у.о. 2,40 гр., с.о. 1,90 гр., пр. 585 | 1 243 253,71 |
| 13. | 18811 | Занжир 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 12,73 гр., с.о. 12,73 гр., пр. 585 | 9 454 300,00 |
| 14. | 18836 | Билагузук 1 дона, узук 3 дона, узук ва сирға 1 тўплам, сирға 2 жуфт, у.о. 24,54 гр., с.о. 23,94 гр., пр. 585 | 16 903 050,00 |
| 15. | 18885 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,35 гр., с.о. 3,35 гр., пр. 585 | 2 396 263,25 |
| 16. | 18923 | Сирға 1 жуфт, у.о. 4,17 гр., с.о. 3,17 гр., пр. 585 | 1 944 950,00 |
| 17. | 19022 | Сирға 2 жуфт, у.о. 3,56 гр., с.о. 2,16 гр., пр. 585 | 1 445 000,00 |
| 18. | 19115 | Сирға 1 жуфт, у.о. 4,42 гр., с.о. 4,22 гр., пр. 585 | 2 969 090,00 |
| 19. | 19547 | Сирға 1 жуфт, у.о. 2,65 гр., с.о. 2,25 гр., пр. 585 | 1 118 770,00 |
| 20. | 19763 | Узук 1 дона, у.о. 1,85 гр., с.о. 1,85 гр., пр. 585 | 1 162 201,62 |
| 21. | 19778 | Сирға 1 жуфт, у.о. 2,05 гр., с.о. 1,25 гр., пр. 585 | 867 583,00 |
| 22. | 19814 | Узук 1 дона, у.о. 3,79 гр., с.о. 3,29 гр., пр. 585 | 2 267 352,50 |
| 23. | 19980 | Узук 1 дона, у.о. 2,93 гр., с.о. 2,43 гр., пр. 585 | 1 282 592,00 |
| 24. | 20055 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, узук 3 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 33,84 гр., с.о. 28,14 гр., пр. 585 | 22 084 350,00 |
| 25. | 20131 | Сирға 1 жуфт, у.о. 2,71 гр., с.о. 2,71 гр., пр. 585 | 2 049 990,00 |
| 26. | 20308 | Сирға 1 жуфт, у.о. 2,29 гр., с.о. 1,69 гр., пр. 585 | 1 215 503,76 |
| 27. | 20321 | Узук 1 дона, у.о. 5,35 гр., с.о. 4,90 гр., пр. 585 | 3 530 650,00 |
| 28. | 20409 | Занжир 1 дона, у.о. 1,84 гр., с.о. 1,84 гр., пр. 585 | 922 830,00 |
| 29. | 20420 | Узук 2 дона, у.о. 10,27 гр., с.о. 9,97 гр., пр. 585 | 7 051 732,20 |
| 30. | 20578 | Сирға 1 жуфт, у.о. 4,43 гр., с.о. 3,03 гр., пр. 585 | 1 968 119,40 |
| 31. | 20615 | Сирға 1 жуфт, у.о. 5,07 гр., с.о. 4,27 гр., пр. 585 | 2 885 368,27 |
| 32. | 20616 | Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,46 гр., с.о. 1,46 гр., пр. 585 | 948 314,32 |
| 33. | 20617 | Узук 1 дона, у.о. 1,69 гр., с.о. 1,59 гр., пр. 585 | 1 024 776,98 |
| 34. | 20636 | Узук ва сирға 1 тўплам, узук 1 дона, у.о. 6,86 гр., с.о. 5,96 гр., пр. 585 | 4 752 750,00 |
| 35. | 20742 | УЗук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 9,00 гр., с.о. 8,50 гр., пр. 585 | 6 350 772,00 |
| 36. | 20746 | Сирға 1 жуфт, билагузук 1 дона, у.о. 8,39 гр., с.о. 7,19 гр., пр. 585 | 5 707 200,00 |
| 37. | 20812 | Сирға 2 жуфт, у.о. 5,18 гр., с.о. 3,18 гр., пр. 585 | 2 328 750,00 |
| 38. | 20846 | Узук 1 дона, у.о. 2,06 гр., с.о. 2,06 гр., пр. 585 | 1 392 278,00 |
| 39. | 20908 | Билагузук 1 дона, у.о. 1,96 гр., с.о. 1,96 гр., пр. 585 | 1 641 950,00 |
| 40. | 20909 | Кулон 1 дона, у.о. 2,04 гр., с.о. 2,04 гр., пр. 750; узук 1 дона, занжир 1 дона, у.о. 3,60 гр., с.о. 3,60 гр., пр. 585 | 4 611 350,00 |
| 41. | 20970 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 8,07 гр., с.о. 8,07 гр., пр. 585 | 6 161 700,00 |
| 42. | 20988 | Узук 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 9,24 гр., с.о. 8,84 гр., пр. 585 | 7 025 250,00 |
| 43. | 21035 | Узук 1 дона, у.о. 1,99 гр., с.о. 1,89 гр., пр. 585 | 1 090 839,06 |
| 44. | 21095 | Занжир 1 дона, у.о. 2,54 гр., с.о. 2,54 гр., пр. 585 | 1 924 436,50 |
| 45. | 21122 | Занжир 1 дона нуқсонли, узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 11,62 гр., с.о. 8,62 гр., пр. 585 | 6 187 273,20 |
| 46. | 21196 | Узук 1 дона, у.о. 3,51 гр., с.о. 3,51 гр., пр. 585 | 2 813 550,00 |
| 47. | 21219 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 4,07 гр., с.о. 4,07 гр., 916 | 3 412 762,80 |
| 48. | 21348 | Сирға 1 жуфт, узук 1 дона, у.о. 4,92 гр., с.о. 4,22 гр., пр. 585 | 3 389 250,00 |
| 49. | 21491 | Сирға 1 жуфт, у.о. 1,24 гр., с.о. 1,10 гр., 916 | 970 158,60 |
| 50. | 21582 | Узук 1 дона, у.о. 1,50 гр., с.о. 1,50 гр., пр. 585 | 1 167 048,00 |
| 51. | 21715 | Узук 1 дона, у.о. 3,77 гр., с.о. 3,27 гр., пр. 585 | 2 544 183,00 |
| 52. | 21919 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 7,96 гр., с.о. 7,96 гр., пр. 585 | 5 036 936,73 |
| 53. | 21926 | Сирға 1 жуфт нуқсонли кулон 1 дона, у.о. 3,65 гр., с.о. 3,00 гр., 750 | 3 540 750,00 |
| 54. | 22018 | Узук 1 дона, у.о. 1,91 гр., с.о. 1,81 гр., пр. 585 | 1 480 350,00 |
| 55. | 22066 | Узук 3 дона, у.о. 6,20 гр., с.о. 6,20 гр., пр. 585 | 4 980 000,00 |
| 56. | 22135 | Узук 2 дона, у.о. 6,75 гр., с.о. 6,05 гр., пр. 585 | 4 146 750,00 |
| 57. | 22242 | Узук 1 дона, у.о. 3,11 гр., с.о. 3,11 гр., пр. 585 | 1 950 000,00 |
| 58. | 22254 | Сирға 3 жуфт, билагузук 1 дона, у.о. 28,21 гр., с.о. 26,71 гр., пр. 585 | 21 114 750,00 |
| 59. | 22278 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 7,18 гр., с.о. 6,88 гр., пр. 585 | 5 464 800,00 |
| 60. | 22289 | Узук 2 дона, у.о. 3,21 гр., с.о. 3,21 гр., пр. 585 | 2 586 300,00 |
| 61. | 22334 | Узук 1 дона, у.о. 2,24 гр., с.о. 2,24 гр., пр. 585 | 1 813 650,00 |
| 62. | 22398 | Сирға 4 жуфт, занжир 2 дона нуқсонли, билагузук 1 дона, кулон 2 дона, у.о. 30,62 гр., с.о. 28,20 гр., пр. 585 | 24 296 250,00 |
| 63. | 22401 | Занжир 1 дона, билагузук 2 дона, узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 27,07 гр., с.о. 26,50 гр., пр. 585 | 22 629 750,00 |
| 64. | 22405 | Занжир 1 дона, узук 2 дона кулон 1 дона, у.о. 29,41 гр., с.о. 29,00 гр., пр. 585 | 24 190 200,00 |
| 65. | 22417 | Занжир 1 дона, у.о. 4,27 гр., с.о. 4,27 гр., пр. 585 | 3 192 300,00 |
| 66. | 22502 | Билагузук 1 дона, сирға 3 жуфт, кулон 1 дона, у.о. 11,42 гр., с.о. 10,92 гр., пр. 585 | 8 186 750,00 |
| 67. | 22506 | Колье 1 дона, у.о. 5,15 гр., с.о. 5,15 гр., пр. 585 | 2 480 250,00 |
| 68. | 22552 | Узук 1 дона, у.о. 5,59 гр., с.о. 5,49 гр., пр. 585 | 4 601 250,00 |
| 69. | 22571 | Соат 1 дона, у.о. 43.17 гр., с.о. 11,00 гр., пр. 750; сирға 1 жуфт, у.о. 2,50 гр., с.о. 2,30 гр., пр. 585 | 9 085 650,00 |
| 70. | 22728 | Пирсинг 1 дона, у.о. 2,98 гр., с.о. 2,28 гр., пр. 585 | 1 571 250,00 |
| 71. | 22793 | Билагузук 1 дона, сирға 2 жуфт, узук 7 дона, у.о. 31,95 гр., с.о. 31,35 гр., пр. 585 | 23 762 970,00 |
| 72. | 22813 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 2,68 гр., с.о. 2,68 гр., пр. 585 | 2 035 749,00 |
| 73. | 22845 | Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 4,13 гр., с.о. 2,93 гр., пр. 585 | 2 449 950,00 |
| 74. | 22923 | Узук 1 дона, у.о. 2,48 гр., с.о. 2,48 гр., пр. 585 | 1 995 450,00 |
| 75. | 22939 | Узук 1 дона, у.о. 2,78 гр., с.о. 2,48 гр., пр. 585 | 2 010 600,00 |
| 76. | 22981 | Узук 1 дона, у.о. 3,01 гр., с.о. 3,01 гр., пр. 585 | 2 510 550,00 |
| 77. | 22983 | Занжир 2 дона, кулон 1 дона, узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 15,49 гр., с.о. 14,49 гр., пр. 585 | 12 130 800,00 |
| 78. | 22992 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,39 гр., с.о. 3,39 гр., пр. 585 | 2 621 354,07 |
| 79. | 23046 | Узук 6 дона, занжир 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 41,97 гр., с.о. 38,77 гр., пр. 585 | 19 013 846,58 |
| 80. | 23047 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 2,74 гр., с.о. 2,54 гр., пр. 585 | 1 448 670,74 |
| 81. | 23135 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 5,20 гр., с.о. 5,20 гр., пр. 585 | 2 540 850,00 |
| 82. | 23370 | Узук 1 дона, у.о. 3,22 гр., с.о. 2,82 гр., пр. 585 | 2 162 100,00 |
| 83. | 23410 | Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,15 гр., с.о. 0,95 гр., пр. 585 | 828 900,00 |
| 84. | 23437 | Узук 2 дона, у.о. 13,90 гр., с.о. 12,10 гр., пр. 585 | 10 206 750,00 |
| 85. | 23694 | Узук 2 дона, у.о. 3,17 гр., с.о. 3,17 гр., пр. 585 | 2 692 350,00 |
| 86. | 23730 | Сирға 2 жуфт, у.о. 2,28 гр., с.о. 2,25 гр., пр. 585 | 1 692 450,00 |
| 87. | 23771 | Занжир 1 дона нуқсонли, у.о. 3,30 гр., с.о. 3,30 гр., пр. 585 | 2 071 200,00 |
| 88. | 23803 | Билагузук 1 дона, занжир 1 дона, кулон 1 дона, узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 36,09 гр., с.о. 35,69 гр., пр. 585 | 25 765 800,00 |
| 89. | 23809 | Сирға 1 жуфт, узук 2 дона, билагузук 1 дона, у.о. 10,25 гр., с.о. 9,65 гр., пр. 585 | 7 934 250,00 |
| 90. | 23962 | Узук 1 дона, у.о. 1,20 гр., с.о. 1,10 гр., пр. 585 | 965 250,00 |
| 91. | 24100 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,46 гр., с.о. 3,06 гр., пр. 585 | 2 783 250,00 |
| 92. | 24102 | Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 6,92 гр., с.о. 6,02 гр., пр. 585 | 4 752 750,00 |
| 93. | 24103 | Узук 1 дона, у.о. 2,44 гр., с.о. 2,44 гр., пр. 585 | 1 965 150,00 |
| 94. | 24130 | Занжир 1 дона, у.о. 8,14 гр., с.о. 8,14 гр., пр. 585 | 6 222 300,00 |
| 95. | 24188 | Сирға 1 жуфт, у.о. 1,60 гр., с.о. 1,20 гр., пр. 585 | 995 550,00 |
| 96. | 24192 | Сирға 1 жуфт, билагузук 1 дона, у.о. 7,08 гр., с.о. 6,88 гр., пр. 585 | 5 964 750,00 |
| 97. | 24474 | Узук 1 дона, у.о. 2,55 гр., с.о. 2,35 гр., пр. 585 | 2 025 750,00 |
| 98. | 24606 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 6,44 гр., с.о. 5,64 гр., пр. 585 | 4 828 500,00 |
| 99. | 24635 | Билагузук 1 дона, узук 1 дона, у.о. 7,38 гр., с.о. 7,38 гр., пр. 585 | 6 343 500,00 |
| 100. | 24640 | Колье 1 дона, у.о. 1,51 гр., с.о. 1,51 гр., пр. 585 | 1 374 300,00 |
| 101. | 24717 | Занжир 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 14,56 гр., с.о. 14,56 гр., пр. 585 | 12 176 250,00 |
| 102. | 24730 | Узук 1 дона, у.о. 8,09 гр., с.о. 6,09 гр., пр. 585 | 5 116 350,00 |
| 103. | 24890 | Билагузук 1 дона, у.о. 4,13 гр., с.о. 3,50 гр., пр. 585 | 2 883 240,00 |
| 104. | 24896 | Узук 1 дона, у.о. 2,25 гр., с.о. 2,15 гр., пр. 585 | 1 763 150,00 |
| 105. | 24907 | Сирға 1 жуфт, у.о. 1,28 гр., с.о. 0,88 гр., пр. 585 | 783 450,00 |
| 106. | 24991 | Занжир 1 дона, узук 1 дона, у.о. 9,14 гр., с.о. 9,04 гр., пр. 585 | 7 858 500,00 |
| 107. | 25358 | Занжир 1 дона, у.о. 10,30 гр., с.о. 10,30 гр., пр. 585 | 9 146 250,00 |
| 108. | 25438 | Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 7,31 гр., с.о. 5,41 гр., пр. 585 | 4 904 250,00 |
| 109. | 25499 | Колье 1 дона, сирға 2 жуфт, узук 1 дона, у.о. 14,92 гр., с.о. 14,22 гр., пр. 585 | 12 479 250,00 |
| 110. | 25557 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, занжир 1 дона, у.о. 9,29 гр., с.о. 8,56 гр., пр. 585 | 7 828 200,00 |
| 111. | 25651 | Билагузук 2 дона, у.о. 27,81 гр., с.о. 27,41 гр., пр. 375; сирға 1 жуфт, у.о. 6,70 гр., с.о. 3,70 гр., пр. 585 | 24 296 250,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **602 387 341,41** |

Аукцион савдолар **2025 йил 18 сентябрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2025 йил 16 сентябрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 18 сентябрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 2 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ "Давр-банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№68 (921) 2025 йил 19 август

# QUYOSH PANELLARI – elektr energiyasi barqarorligining asosi



**Baxtiyorjon MIRZAYEV,** Andijon davlat texnika instituti katta o'qituvchisi.

**Yurtimiz geografik jihatdan quyoshli kunlar davomiyligi bo'yicha dunyodagi eng qulay hududlardan biri hisoblanadi. Yiliga o'rtacha uch yuz kun quyoshli ob-havo sharoiti mavjud bo'lib, bu quyosh energiyasidan foydalanish uchun katta imkoniyat yaratadi. So'nggi yillarda respublikamizda muqobil energiya manbalarini rivojlantirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishiga aylandi.**

Malumki, energiya manbalari qayta tiklanmaydigan va qayta tiklanadigan turlarga bo'linadi. Qayta tiklanmaydigan energiya manbalari sifatida ko'mir, neft, tabiiy gazni aytishimiz mumkin. Eng behisob energiya manbasi sifatida quyoshni misol qilish mumkin. Shunday ekan, nega quyosh nurlari energiyasidan samarali foydalanmaslik kerak? Quyosh energiyasiga nafaqat tabiiy resurs, balki strategik imkoniyat sifatida qaralishi lozim.

So'nggi yillarda O'zbekistonda quyosh energiyasidan foydalanishni rivojlantirishga qaratilgan bir qator muhim hujjatlar qabul qilindi. Xususan, 2019-yil 21-maydagi "Qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish to'g'risida"gi O'zbekiston Respulikasi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 21-sentabrdagi "2019 - 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5544-son Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 22-avgustdagi Iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohaning energiya samaradorligini oshirish, energiya tejovchi texnologiyalarni joriy etish va qayta tiklanuvchi energiya manbalarini rivojlantirishning tezkor chora-tadbirlari to'g'risida PQ-4422-son qarori shular jumlasidan.

Ushbu hujjatlar asosida aholi va tadbirkorlik subyektlari uchun quyosh panellarini o'rnatish rag'batlantirilib, imtiyozlar berilmoqda, texnik infratuzilma rivojlantirilmoqda.

Raqamlarga murojaat qiladigan bo'lsak, 2024-yilda O'zbekistonda 1,5 milliondan ortiq quyosh paneli import qilingan, 100 dan ortiq mahalliy kompaniyalar fotoelektr uskunalarni yetkazib berish va o'rnatish bilan shug'ullanmoqda. Quyosh panellari nafaqat shaharlarda, balki qishloq va chekka hududlarda ham keng tarqalmoqda.

Quyosh panellari – fotoelektrik elementlardan tashkil topgan qurilma bo'lib, quyosh nurini to'g'ridan-to'g'ri elektr energiyasiga aylantiradi. Uning asosiy qismlari: kremniy asosidagi elementlar, tokni o'zgaruvchan (AC) shaklga aylantiruvchi invertor, tizimni boshqaruv bloki, energiyani zaxiralash uchun akkumulyatorlar (off-grid tizimda), montaj va ulanish uchun kabel va konstruksiya elementlari hisoblanadi. O'zbekiston iqlimida panellar 30-35° burchakda o'rnatilganda, maksimal samaradorlikka erishiladi. 20-25 yilgacha xizmat qiladi, texnik xizmat ko'rsatish esa minimal darajada talab etiladi.

Muqobil energiya manbasi bo'lgan quyosh panellaridan samarali foydalanish O'zbekistonning kelajagiga yo'naltirilgan, ekologik, iqtisodiy va huquqiy jihatdan asoslangan texnologiyadir. Davlat siyosati, qonunchilik, moliyaviy rag'batlar va aholi huquqiy madaniyati va ongining uyg'unligi bilan bu soha barqaror rivojlanishiga ishonamiz.

# Men yangidan kashf etgan Qoraqalpog'iston

**Nafisa QURBONOVA,** O'zJOKU magistranti.

**Bir sabab bilan Qoraqalpog'istonga xizmat safariga borgandim. Aeroportdan chiqishim bilan sovuq va nam havo etimni junjiktirib, kayfiyatim buzildi. Chunki bu paytda Toshkentda havo iliq va yoqimli edi. Menga bu yerlarning qishi qattiq sovuq, yozi esa o'ta issiq, deb aytishgandi. Mehmonxonada esa toza suvdan ko'p quyib berishganida yana bir marta hayron qoldim. Keyin bilsam, u yerning suvi shu qadar sho'r ediki, yuz-qo'limni yuvganimda birinchi kunning o'zidayoq terim yorilishni boshladi.**

Uch kun davom etgan safarimning birinchi kunida yangilanayotgan va zamonaviy Qoraqalpog'istonni ko'rdim. Cho'lda ochilgan yangi dam olish maskaniga borib, "qoyil" deb yuborganim hamon esimda. O'shanda markaz rahbari "Yaqinda xorijlik hamkorlarimiz bilan bu yerga sun'iy tog' qurmoqchimiz" dedi.

Safarimning ikkinchi kunida chekka hududlardagi aholining yashash sharoiti bilan tanishdim. Biz borgan payt Navro'z bayramiga to'g'ri kelgan edi. Qishloqlardagi ko'pkari va Navro'z sayllarini tomosha qildik. Tuya sutini ichish uchun keladigan odamlarning ko'pligini aytmasam ham bo'ladi.

So'nggi kun esa ajoyib xotiralarga boy bo'ldi. Qoraqalpog'istonning qadimiy afsonalarga boy qadamjolari va tarixiy obyektlarini tomosha qildim. Birinchi ko'rgan yodgorligimiz xalq tilida aytganda "qiyomat soati" bo'ldi. Afsonaga ko'ra, u oxiratgacha qolgan vaqtni hisoblar ekan. Har yili "soat" devoridan bitta g'isht yerga tushar va aytishlaricha, oxirgi g'isht tushganda qiyomat boshlanar ekan. Shuning uchun bu yerga kelgan ziyoratchilar g'ishtlarni ehtiyotkorlik bilan yig'ib, go'yoki qiyomat vaqtini kechiktirishga harakat qilisharkan.

Ikkinchi ko'rgan yodgorligimiz esa Shamun Nabiy maqbarasi edi. Bu maqbaraning ham o'ziga xos tarixi bor ekan. Bu 28 metrli qabr tarixini eshitib balki siz ham ta'sirlanarsiz. Rivoyatlarga ko'ra, Shamun Nabiyning suyukli xotini qo'shni yurtdagi hukmdor bilan xiyonat qiladi. G'azablangan Shamun Nabiy hukmdor bilan yakkama-yakka jangga kiradi. Shunda xiyonatkor ayol uning oyoqlari ostiga yumaloq toshlarni tashlaydi va Shamun Nabiy muvozanatni yo'qotib, yiqiladi. Raqibi esa uning oyog'ini chopib tashlaydi. Og'ir jarohatlangan Shamun Nabiyning vafodor iti uni qutqarishga urinadi. Biroq itni ham, podshohni ham o'ldirishadi. It egasini 28 metrgacha sudrab borgan. Tabiiyki, uzilgan oyoqdan qon ham shuncha joygacha oqqan. Podshohning farzandlari esa otasining qoni ham oyoqosti bo'lmasligi uchun qon oqqan 28 metr maydonni sag'anaga aylantirishadi.

So'nggi qadamjo menga juda yoqqani uchun uni ham so'zlab bermoqchiman. O'tmishda Jo'mard qassob har kuni so'ygan mollarining go'shtidan bir kafti miqdorida nochorlarga tarqatgan. O'limidan oldin esa qassob odamlarga "Kimdir mening qilgan yaxshiliklarimga javob qaytarmoqchi bo'lsa, qabrimga bir kaftdan tuproq sochsin", degan ekan. Sochilgan bir kaft tuproqlarning qanchaligini esa qabr katta tepalikka aylanganidan bilish mumkin...

Yuqoridagi hikoyalar o'tmishda balki bo'lmagandir. Balki odamlar o'zlari to'qib chiqargandirlar. Ammo shunisi aniqki, bu rivoyatlar bejizga haligacha og'izdan og'izga o'tib kelmayapti. Agarda, safar sabab bu yerlarga kelmaganimda, hech qachon bunday go'zal joylarni ko'rmagan bo'larmidim. Endi esa afsonalarga boy bu qadamjolarni hamma kelib ko'rishini xohlayman.

**Xullas, safar davomida o'zim uchun Qoraqalpog'istonni yangidan kashf qildim va uni quyidagicha uch guruhga bo'lishga qaror qildim:**

- rivojlanayotgan Qoraqalpog'iston;
- ekologiyasi oqsagan Qoraqalpog'iston;
- afsonaviy Qoraqalpog'iston.

Kelajakda men ko'rgan Qoraqalpog'iston yanada rivojlanib, ko'pchilikni hayratga solishi aniq.

*Биласизми?*

# ЭСКРОУ: улуш киритиш асосида уйларни қандай харид қилиш мумкин?



**Улуш киритиш асосида сотувга қўйилган объектлар ва улар ҳақидаги батафсил маълумотлар билан uy.shaffofqurilish.uz сайти орқали танишиш мумкин.**

Сотиб олувчи ушбу платформага кириб, объектдан ўзига керакли хонадонни танлаганда унинг чизмаси, майдони, нархи, хоналар сони, топшириш муддати ва бошқа маълумотлар келиб чиқади.

- **Қизил ранг** – хонадон сотилганини;
- **сариқ ранг** – хонадон банд қилинган, лекин ҳали тўлов амалга оширилмаганини;
- **яшил ранг** – хонадон сотувда мавжуд эканини билдиради.

Агар танланган хонадон яшил рангда бўлса, "сотиб олиш" тугмаси босилади ва электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланади. Шундан сўнг, сўров автоматик равишда қурувчига юборилади. Қурувчи билан келишувга эришилгач, томонлар ўртасида улушли электрон шартнома тузилади ва харидорга имзолаш учун юборилади. Харидор шартномани ЭРИ орқали тасдиқлаганидан сўнг, банк орқали қурувчининг эскроу ҳисоб рақамига бошланғич ёки тўлиқ тўловни амалга оширади.

Сўнгра, бу маълумотлар нотариусга юборилади. Харидор ва қурувчи вакили нотариусга бориб, шартномани нотариал тасдиқлатади. Ушбу жараёндан сўнг кадастр органлари томонидан хонадонга кадастр рақами берилиб, харидор номига банд қилинади. Шунингдек, харидор uy.shaffofqurilish.uz орқали улуш киритган объектининг қурилиш жараёнини онлайн кузатиб бориши ҳам мумкин.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2025 йил август ойининг 19-25 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири **Шерзод Хидоятов,** Ижро назорати бўлими бошлиғи **Вагиф Мамедов,** Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Азамат Нодиров,** Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Раҳим Ризаев,** бош мутахассис **Учқунжон Ҳалилов,**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Гамзат Рўзиев,** Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Шерзод Раҳимжонов,** хизмат хоналари фарроши **Тўрапошша Мадалиева,**

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳаларни бошқариш ва таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Зумрад Байметова,**

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" бош бухгалтери **Жалолиддин Матчанов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Шоҳруҳ Ташпўлатов,** бош мутахассис **Наталья Раджапова,** етакчи мутахассис **Равшанбек Баҳрамов,** қоровул **Исмат Юлдашев,** ҳайдовчи **Баҳодир Ўктамов,**

"O'zog'irsanoatloyiha" институти АЖ СМО бошлиғи **Нодир Кундибоев,** АСС-2 гуруҳ бошлиғи **Султон Суннатов,** СМО бош мутахассиси **Тамара Алешина,** ООПР фарроши **Дилфуза Маллабаева,** АСС-1 инженери **Шаҳриёр Жаҳбаров,**

"Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси архитектори **Фаррух Наврўзов,** 3-устахонаси гуруҳ мудири **Абдулазиз Азимов,** 4-устахонаси етакчи муҳандиси **Жавлонбек Нарзиев,** 5-устахонаси муҳандиси **Ўткирбек Ўктамов,**

Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бош мутахассиси **Одинахон Шокирова,** Булоқбоши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Одина Мамажонова,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси кассири **Мадина Абдуллаева,** ҳайдовчи **Камол Тўрақулов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Умар Джабаров,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси компьютерларга техник хизмат кўрсатувчиси **Ориф Асадов,** Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Ғолиб Муротов,** Яккабоғ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шоҳруҳ Баратов,**

Сурхондарё вилояти Ангор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Рустам Шукуров,** Денов тумани бош архитектори **Парвиз Боборажапов,** Термиз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Маъруфжон Бойназаров,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассислар **Самаджон Набиев** ва **Исломбек Каримов,** Риштон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Шаҳбоз Абдураҳмонов,** архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Жасурбек Мадаминов,** Қува тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Шукуржон Низомиддинов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи **Руслан Полвонов,**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Иссиқлик манбаи" ДУК Қорақалпоғистон Республикасидаги "Тахиаташ ыссылык тармаклары" МЧЖ Режа-техник бўлими бошлиғи **Динара Туханова,** Бухоро вилоятидаги "Бухороэнергомарказ" АЖ Бош муҳандиси **Нурулло Амруллаев,**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Star kommunal service professional boshqaruv kompaniyasi" МЧЖ раҳбари **Адолат Абдиқодирова,** Қарши шаҳар "Қарши Сити Лидер" МЧЖ БСК раҳбари **Олим Мамадаминов,** Сирдарё вилояти Ховос тумани "Шохзамон таъмирлаш-тиклаш хизмат" МЧЖ БСК раҳбари **Моҳинур Маҳаммаддиева,**

Тошкент шаҳар Мирobод туманидаги "Замонавий-иншоот" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Тўлқин Холов,** Чилонзор туманидаги "Olmazor-do'stlik" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Зумрад Арипова,** Шайхонтоҳур туманидаги "Davr-taraqqiyot-kommunalchi" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси Жамшид Абидов, Яккасарой туманидаги "The-best-Babur-street" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Татьяна Журавлева,** "KA-Fayz" уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Валя Ракушева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 841.
1805 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 22.30.
Топширилди – 23.45. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 26 август куни чиқади.